

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 336.22 (038)

339.543 (038)

АХМЕДОВ ОЙБЕК САПОРБОЕВИЧ

**СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ТЕРМИНЛАРИНИ ИНГЛИЗ ТИЛИДАН ЎЗБЕК
ТИЛИГА БЕРИЛИШИ**

10. 02. 20 – Қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштира тилшунослик, лингвистик таржимашунослик

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

Тадқиқот Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Таржима назарияси ва амалиёти кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: филология фанлари номзоди, доцент
Қамбаров Носир Мансурович

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори, профессор
Юсупов Ўткир Қурбонович

филология фанлари номзоди, доцент
Мамуров Қосимжон Бобоевич

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Ҳимоя 2011 йил _____ ойининг _____ куни соат _____ да Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги К.067.44.02 рақамли фан номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9а мавзеси, 21- а уй. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий кутубхонасида (Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9а мавзеси, 21-а уй) танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил _____ ойининг _____ куни тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби
филология фанлари номзоди, доцент

Д. М. Тешабоева

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Истиклол йилларида миллий тилимиз ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ва халқаро терминларнинг истеъмолга кириши ҳисобига бойиди, унинг такомиллашуви ҳар қачонгидан жадаллашди. Президентимиз И.А.Каримовнинг бу борада сўз юритиб: “Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий изланишимиз зарур. Айниқса, ...банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш...эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз”¹ – дея таъкидлагани бежиз эмас. Чиндан, тилимиз тараққиётига масъуллик тилшунослик фанининг зиммасида ва у бугунги кунда тилнинг турли сатҳлари бўйича чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизга келаётган хорижий давлатлар фуқаролари сонининг ортиши, божхона ва солиқ соҳасидаги ходимларимизнинг улар билан кечадиган зарурий мулоқотида бир қанча мураккабликларни юзага келтирди. Икки тилли рақобатбардош таржимонларга эҳтиёж кучайтирди. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви СБ (солиқ ва божхона)² терминларининг истеъмолда фаол қўлланиши ва такомиллашувига олиб келди. Бу эса инглиз тилидан миллий тилимизга таржима қилинаётган кўпқатламли лексемаларни “семантик майдон” назарияси нуқтаи назаридан илмий асосда ўрганишни тақозо этади. Чунки сўз тил тараққиётининг муайян босқичидаги қўлланилиш хусусиятлари семантик майдондаги ўрни билан белгиланади³. Сўзларни семантик майдон асосида ўрганиш муайян мавзулар асосида таснифлашга қараганда кенгроқ доирадаги семантик белгиларга асосланиши билан мукамаллик касб этади⁴. Демак, мазкур жараённинг тизимли асосда кечишини таъминлаш масаласи терминларни қўллашда икки тилга хос интеграл ва дифференциал хусусиятларга эътибор қаратиш ҳамда уларни муайян семантик гуруҳларга ажратиш, тасниф қилиш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Диссертация мавзусининг долзарблиги ана шундай жиҳатларни монографик йўсинда ҳал қилиш йўлидаги илк қадам эканлигида намоён бўлади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшунослик соҳасида таржимашунослик муаммоларини турли даражада ўрганиш XX асрда муайян тараққиёт босқичини босиб ўтди. Ўтган асрда таржимашуносликнинг умумназарий муаммолари билан шуғулланган А.Д.Швейцер, Л.С.Бархударов, В.Н.Комиссаров,

¹Каримов И.А.Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.– Б.87.

²СБ қисқартмаси ишда солиқ ва божхона маъносида кенг қўлланилди. Тадқиқотда матнлар таржимаси ҳамда чизмалар муаллифга тегишлидир (О. Ахмедов).

³Звенгинцев В.А.Семасиология. – М., 1957. –С.140.

⁴Искандарова Ш. Ономасиология муаммолари ва ўзбек тили лексикасини майдон сифатида ўрганиш//Ўзбек тили ва адабиёти.Т., 1998 №3, –Б. 29–30.

Ф.А.Циткина, А.В.Федоров, Р.В.Чернов, В.Н.Крупнов, П.И.Копанов ва Ф.Баер каби олимларнинг тадқиқотлари⁵ дунё юзини кўрди.

Ўзбекистонда таржима назариясининг асосчиси ҳисобланган Ғ.Саломов фаолият кўрсатган йиллари мамлакатимизда ўзига хос таржима мактаби яратилди. Таржимашунос олимларимиз Ғ.Саломов, Ж.Шарипов, С. Сиддиқ, Ф.Сулайманова, И.Ғафуров, Н.Комилов, Н.Отажонов, Ю.Пўлатов, Р.Файзуллаева, Қ.Мусаев, Х.Караматов, Р.Ширинова, Г.Ғафурова, Н.Алимухамедов ва бошқаларнинг изланишларида асосий эътибор бадиий таржима муаммоларига қаратилган эди⁶. Эндиликда фан ва техника, шунингдек, иқтисодий ишлаб чиқаришнинг ривожини ва такомиллашуви терминшуносликда ҳам ўз аксини топмоқда. Ўзбек ва рус тиллари лексикасининг терминологияга оид муаммолари бўйича маҳаллий ва хорижлик терминшунос ҳамда таржимашунос олимлардан Х.Э.Ёдгоров, Г.Ё.Ғуломова, Р.Ҳ.Ширинова, О.М.Пўлатова, Р.Дониёров, С.М.Мирзокулов, И.Х.Пардаева, М.С.Ахатова, З.Н.Арипов, Р.С.Нуритдинова, Р.Р.Бобокалонова, И.Ж.Юлдашев, З.Мирахмедова, Ш.И.Исакова, Ч.С.Абдуллаева, Д.Ф.Нурмухамедова, С.Х.Нурматова, А.Касимова, З.В.Соловьева, Г.А.Сергеева, Л.В.Клименко ва бошқалар тадқиқот ишлари олиб бордилар, номзодлик ва докторлик ишлари ёқланди.

Мазкур ишларда ҳуқуқшунослик, заргарлик, ёғочсозлик, муסיқашунослик, китобчилик, анатомия, ономастика сингари бир қанча соҳаларнинг терминологик системалари лингвистик нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Уларнинг аксариятида асосан, туркий тиллараро муносабат, шунингдек, ўзбек ва рус тиллари лексикасига хос терминлар таҳлил қилинган. Бизнинг ишимиз мавжуд тадқиқотлардан солиқ ва божхона терминологиясини илк бор ўрганаётганлиги, икки тил (инглиз-ўзбек тиллари) нуқтаи назаридан қиёсий тадқиқ этилаётганлиги билан ажралиб туради.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети «Таржима назарияси ва амалиёти» кафедраси истиқболли тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисмидир. Диссертация мавзуси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгаши йиғилишида муҳокама этилиб, тасдиқланган (2009 йил, 23 апрель, 9-сонли баённома).

Тадқиқот мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади соҳа амалиётида фаол қўлланадиган СБ терминларининг лексик сатҳда тутган ўрнини белгилаш, уларнинг ҳосил бўлиш йўллари, функционал хусусиятларини, шунингдек, бу терминларнинг ўзига хос лексик-семантик (интеграл ва дифференциал) хусусиятларини очиб бериш

⁵Швейцер А.Д. Теория перевода. –М., 1988; Бархударов Л.С. Язык и перевод. –М., 1975; Комиссаров В.Н. Лингвистика перевода. –М., 1980; Циткина Ф.А. Терминология и перевод//К основам сопоставительного терминоведения. –Львов, 1988; Федоров А.В. Основы общей теории перевода//Введение в теорию перевода. –М., 1968, 1953; Чернов Р.В. Основы синхронного перевода. –М., 1907; Крупнов В.Н. Курс перевода. –М., 1979; Копанов П.И., Баер Ф. Теория и практика письменного перевода. – Минск. 1986;

⁶Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима. –Т., 1979; Шарипов Ж. Бадиий таржималар ва мохир таржимонлар. –Т., 1977; Сиддиқ С. Адабий таржима санъати. –Т., 1936; Ғафуров И. Таржимонлик мутахассислигига кириш. –Т., 2008; Пўлатов Ю. Бадиий асарда номлар таржимаси. –Т., 1967; Файзуллаева Р. К проблеме передачи национального колорита в художественном переводе: Автореф. Дис. ...канд. филол. наук. –Т., 1972; Ғафурова Г. Ўзбекистонда таржиманинг ривожланиши. –Т., 1973; Комилов Н. Таржимачилигимиз анъаналари. –Т., 1968; Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. –Т., 2005; Караматов Х. Истоки, оригинал и узбекский перевод. Трагедия. К Марло. “Тамерлан великий” дисс. ...канд. филол. наук. –Т., 1990; Ширинова Р. Диний реалияларни бадиий таржимада қайта яратишнинг айрим тамойиллари. филол. фанлари номзоди. ...дис. –Т. 2004; Исакова Ш.И. Бадиий таржимада миллийлик ва тарихийликнинг акс эттирилиши. филол. фанлари номзоди. ...автореф. –Т., 2004.

ҳамда уларни таржимашунослик аспектида таҳлил этиш ва унификация қилиш тамойилларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Диссертацияда асосий мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш белгиланди:

– инглиз тили СБ терминларининг тарихий-генетик илдизларини ўрганиш, уларнинг ўзбек тилидаги муқобилларини топиш;

– СБ терминлари таркибий ўзгаришларини (ясалишини) аниқлаш, берилишдаги функционал-семантик вазифаларини тадқиқ қилиш;

– инглиз тили СБ терминологик фонди-генофондини ўрганиш, терминлар берилишида уларнинг лексик-семантик гуруҳларини белгилаш;

– инглиз тили СБ терминларининг лексик-семантик таркиби билан боғлиқ турли лисоний ҳодисалар, шунингдек интеграл ва дифференциал хусусиятларини таржимашунослик нуқтаи назардан чуқур тадқиқ этиш ва уларни ўзбек тилига берилиш хусусиятларини ўрганиш;

– ўзбек тилининг ички ва ташқи омиллар орқали бойиш йўлларини СБ терминлари мисолида тадқиқ этиш;

– амалиётда фаол қўлланадиган СБ терминларининг берилишдаги функционал-семантик кўламини аниқлаш;

– СБ терминларининг ўзбек тилидаги лексикографик манбаларга муносабатини белгилаш;

– жаҳон лексикографиясидаги илғор тажрибаларни татбиқ қилиш орқали СБ амалиёти эҳтиёжлари учун зарур бўлган соҳага оид икки тилли (инглизча-ўзбекча) махсус изоҳли терминлар луғатини яратиш.

Тадқиқот объекти. Инглиз ва ўзбек тиллари СБ терминлари, терминологик тизимининг соҳалар амалиёти доирасида фаол қўлланадиган лексема ва бирикма шаклидаги терминлар тадқиқотнинг асосий объекти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Инглиз ва ўзбек тиллари истеъмолида кенг қўлланиладиган бир компонентли ва кўпкомпонентли СБ терминларининг ясалиши, шаклланиши ва такомиллашиш жараёнларини лингвистик нуқтаи назардан ўрганиш ҳамда уларнинг матндаги лексик-семантик (интеграл ва дифференциал) хусусиятларини таржимашунослик аспектида прагматик таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида ишда тавсифий, қиёсий-типологик, синхрон ва диахрон, компонент ҳамда семантик майдон таҳлили, шунингдек, лингвостатистик методлардан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Инглиз тили СБ терминларининг тарихий-генетик илдизларини ўрганиш ва уларнинг миллий тилимизда берилишида ўзбекча эквивалентларини топиш ғоят муҳим.

2. СБ терминларининг берилишдаги функционал-семантик вазифаларини тадқиқ қилиш ва таркибий ўзгаришларини системали, изчил ўрганиш икки тил терминологиясининг лексик-семантик, грамматик сатҳлардаги корреляцион муносабатларини аниқлаш имкониятини яратади.

3. Қиёсланаётган тиллардаги СБ терминологиясига сўзларнинг ўзаро лексик-семантик муносабатини очиб берувчи омиллар – полисемия, синонимия, омонимия, антонимия ҳодисаларининг барчаси хос бўлса-да, соҳа терминологиясида учрайдиган кўпмаънолилиқ, синонимлик ва омонимлик муносабатлар терминларни таржима қилишда муайян тўсиқларни вужудга келтиради.

4. Соҳа амалиётида фаол қўлланадиган солиқ ва божхона терминларининг детерминологизация ҳодисасига учраши натижасида уларнинг таржимада юзага келадиган функционал-семантик кўламини аниқламасдан, ижобий натижага эришиб бўлмайди.

5. СБ терминларининг лексик-семантик таркибини, ҳар икки тилга хос интеграл ва дифференциал хусусиятларни таржимашунослик аспектида тадқиқ этиш ва уларни ўзбек тили билан қиёслаб ўрганиш терминларнинг лексик-семантик қирраларини очиб беришга замин яратади.

6. Тилимизнинг ташқи имкониятлар ҳисобига, жумладан, СБ терминлари орқали бойиш йўлларида экстралингвистик омилларнинг роли бениҳоя каттадир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

–тадқиқотда илк бор инглиз ва ўзбек тилларидаги СБ терминлари монографик йўсинда, таржимашунослик аспектида қиёсий таҳлил қилинди;

–инглиз тили СБ терминологик фонди-генофонди, терминларнинг ясалиш йўллари ва усуллари ўрганилди;

–қиёсланаётган тиллардаги СБ терминларининг ясалиши ва маъно хусусиятларида мавжуд фарқли белгилар қайд этилди;

–соҳа амалиётида фаол қўлланадиган терминларнинг функционал хусусиятлари аниқланиб, лексик-семантик гуруҳларга ажратилди;

–терминларнинг ўзаро лексик-семантик муносабатларини очиб берувчи омиллар (синонимия, полисемия, омонимия, гипонимия)нинг таржимадаги интерференция масалалари атрофлича тадқиқ этилди;

–терминларни берилишдаги интеграл ва дифференциал хусусиятларидан келиб чиқиб, унификацияга (бир хилликка) эришиш бўйича **амалий таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари иқтисодиёт терминологияси, унинг таркибий қисми ҳисобланган солиқ ва божхона терминологияси ривож учун муайян аҳамиятга эгадир. Ушбу тадқиқот ишининг назарий хулосалари ва таҳлил усулларида иқтисодиёт терминологиясининг бошқа қатламларини илмий жиҳатдан ўрганишда фойдаланиш мумкин. СБ терминларининг биз аниқлаган хусусиятлари ўрганилмаган ёки кам ўрганилган жиҳатларини тадқиқ қилишга асос бўла олади. Диссертация материаллари ва хулосаларидан олий ўқув юртларининг филология (таржимонлик) факультетларида «Таржима назарияси», «Лексикология» каби фанларни, «Ёзма таржима», «Оғзаки таржима» курсларини ўқитишда, луғатлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратишда ҳамда турли методик тавсияномалар тузишда, шунингдек, СБ соҳаси учун мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртларида бакалавр ва магистрантлар учун ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосаларидан Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси талабалари билан

ўтказилаётган ўқув машғулотларида фойдаланилмоқда, шунингдек, «Тиллар» кафедрасининг “Солиқчи мутахассисларни тайёрлашда хорижий тилларни ўқитишнинг такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги илмий-назарий семинар йиғилишларида, халқаро, республика ва университетлар миқёсида ўтказилган илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманлардаги маърузаларда улар ўз аксини топган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Илмий тадқиқотда эришилган натижалар, хулосалар ва амалий тавсиялар «Тилшуносликнинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда (ЎзМУ, 2008 й.), ЎзДЖТУда бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманларда (2007, 2008, 2009 й.), Давлат солиқ кўмитаси Солиқ академияси профессор-ўқитувчиларининг илмий-амалий анжуманларида (2007, 2008, 2009, 2010, 2011 й.), Давлат божхона кўмитаси олий ҳарбий божхона институтида (2009 й.), Тошкент давлат юридик институтида бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманлардаги (2010 й.) маърузаларда баён қилинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети «Таржима назарияси ва амалиёти» кафедрасида бажарилган ва ушбу кафедранинг кенгайтирилган йиғилишида (2010 йил 23 декабрь, 6-сонли баённома) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган. Шунингдек, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги К.067.44.02 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг илмий-назарий семинарида (2011 йил 21 апрель, 1-сонли баённома) муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни бўйича Республикадаги илмий журналларда (3), хорижий нашрларда (2) ва бошқа илмий тўпламларда (15) – жами 20та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертацияга СБ амалиётига оид 500 терминни ўз ичига олган луғат илова қилинган. Диссертациянинг умумий ҳажми (иловадан ташқари) 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот объекти, тадқиқот натижаларининг синовдан ўтганлиги, ишнинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Терминлар тадқиқининг илмий-назарий асослари, солиқ ва божхона терминларининг вужудга келиши**» деб номланади. У уч параграфдан иборат. Бобнинг “*Термин ва терминологияга доир лингвистик қарашлар*” деб номланган биринчи параграфда хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларга муносабат билдирилган. Ушбу параграфда термин ва терминологиянинг, *термин, атама, истилоҳ, терминология, номенклатура* тушунчалари ва уларнинг бир-биридан фарқ қиладиган функционал жиҳатлари, оддий сўз ва термин ўртасидаги тафовут, атама, истилоҳ, терминология ва номенклатуранинг лингвистик муаммолари илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган.

“Термин” лотинча “terminus” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “охири”, “чегара”, “туғаш” деган маъноларни англатади⁷. Шунга боғлиқ ҳолда В.Н. Шевчук терминни “сўз”, А.А.Реформатский “бир маъноли, аниқ сўзлар”⁸, В.П.Даниленко «фан ва соҳалар дисциплинасининг аниқ дефиницияси»⁹, Б.Н. Головин “ўзида муайян касбий тушунчаларни ифода этувчи сўз”,¹⁰ деб таърифлайдилар. В.М.Лейчик терминни аниқ ва махсус соҳалар илмида ва фаолиятида умумий, конкрет ёки абстракт тушунчаларни ифодаловчи бирлик¹¹ сифатида талқин этади. Терминология ва номенклатура тушунчалари орасидаги муносабатлар кўплаб терминшунос олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. А.А.Реформатский мазкур икки тушунчани синоним сўзлар¹² деб аташга қарши чиққан бўлса, В.М. Лейчик номенклатура бир хил турдаги предметларни ифодалаш учун хизмат қиладиган сўзлар мажмуи¹³ эканилигини, А.Д.Хаютин мазкур икки тушунчани қарама-қарши қўйиб ўрганиш мақсадга мувофиқ¹⁴ деб таъкидлайдилар.

Номенклатурага берилган таъриф ва таснифларнинг лингвистик манбаларда бир-бирига яқин ва ўхшаш шаклда эканлиги кузатилса-да, номенклатуранинг терминга нисбатан функционал-семантик фарқли жиҳатлари кўзга ташланади. Масалан, 1983 йили чоп этилган энциклопедик луғатда номенклатура тушунчасига шундай таъриф берилган: “Номенклатура (лот.: nomenclatura) – рўйхат, номлар рўйхати, шунингдек, фан, техника, ҳуқуқ ва иктисодиёт соҳасида қўлланиладиган муайян термин ва категория номларининг рўйхати”¹⁵. Шу мазмундаги таъриф 2008 йили нашр этилган луғатда ҳам учрайди. Унда, nomenclatura –1) номлар, атамалар, терминлар мажмуи; 2) терминология (муайян бир соҳага оид терминлар мажмуи ва тилшунослик терминларини тартибга солиш ҳақидаги бўлим)¹⁶ таърифи келтирилган. 2007 йили чоп этилган 100 000 сўзли луғатда эса номенклатура тушунчасига ҳеч қандай изоҳ келтирилмайди, яъни: “Nomenclatura –1) номенклатура; 2) терминология,¹⁷ - дейилган.

Турли тилларга мансуб терминлар, терминологиянинг назарий муаммолари билан шуғулланган олимлар Г.О.Винокур, А.А.Реформатский, В.В.Виноградов, Л.С.Бархударов, О.С.Ахманова, К.А.Левковская, Б.Н.Головин, В.П.Даниленко, В.М.Лейчик, шунингдек, муаммонинг амалий жиҳатларини ўрганган олимлар: Д.С.Лотте, С.А.Чаплыгина, С.И.Коршунова, Т.Л.Канделаки тадқиқотларида терминология сўзи асосан икки маънода қўлланилади:

1. Терминология – муайян соҳаларда махсус маънони ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларининг мажмуи.

2. Терминология – терминларнинг грамматик сатҳдаги ўрни, тилда амал қилиши билан боғлиқ бўлган муайян қонуниятларни ўрганиш билан шуғулланувчи

⁷Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слов. –М.,1998. –С. 503.

⁸Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка//Проблемы структурной лингвистики. – М., 1968. –С.110.

⁹Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. –М., 1977. – С.15.

¹⁰Головин Б.Н. Лингвистических основы учения о терминах. –М., 1987. – С.115.

¹¹Лейчик В.М.Предмет, методы и структура терминоведения. Автореф. дисс...д-ра филол.наук. – М.,1989. – С.16.

¹²Реформатский А.А. Что такое термин и терминология?. В сб: «Вопросы терминология». –М., 1961. С. 47–49.

¹³Лейчик В.М. Предмет, методы и структура терминоведения. Автореф. дисс...док-ра филол.наук. –М., 1989. –С. 261.

¹⁴Хаютин А.Д. Термин, терминология и номенклатура. – Самарканд. 1971. – С. 15.

¹⁵Энциклопедический словарь. – М., 1983. –С. 896.

¹⁶Butayev Z. English-Uzbek, Uzbek-English Dictionary. –Т., 2008. – Р. 211.

¹⁷Крысенко С.М. Новейший Англо-Русский, Русско-Английский Словарь. –Киев., 2007. –С. 426.

лингвистиканинг алоҳида аспектидир¹⁸. Тадқиқотчилар “термин” сўзига, унинг таърифига турлича изоҳ беришмоқда. Рус терминшуноси В.П. Даниленко ўз тадқиқотларида феъллар, ҳатто сифат, равиш кабиларни ҳам қатъий шаклдаги термин деб ҳисоблайди (термины-глаголы¹⁹). Ўзбек тилшуносларидан Х. Орзикулов мазкур фикрга қўшилиб, феълларни ҳам терминлар жумласига киритади²⁰.

Сўз туркумларини, феъл, сифат ҳамда равишларнинг термин бўлиши ёки бўла олмаслиги масаласи Р. Дониёровнинг мақолаларида, монография ва докторлик диссертациясида батафсил ўрганилган ва асослаб кўрсатилган²¹.

Мазкур бобнинг **иккинчи параграфи** “Солиқ ва божхона терминологик тизими лингвистик тадқиқот объекти сифатида” деб номланади. Ушбу параграфда СБ терминларининг тарихий-генетик илдизлари ҳақида маълумот берилган. СБ терминологик тизимининг вужудга келиши, шаклланиши ва тараққиёти бевосита қадимий даврлар, хусусан, ўрта асрлар тарихи билан ҳам узвий боғлиқдир. С.П. Толстов тўғри таъкидлаганидек: “Қадимги даврларда Ўрта Осиё шароитида...солиқ тизими ҳамда уларнинг таркибий тузилмаларига оид маълумотларни умумлашган ҳолда тадқиқ этишда, шубҳасиз...лингвистик маълумотларнинг ўрни бекиёсдир”²².

Шу кунгача амалга оширилган тадқиқотларда солиқ ва божларга нисбатан икки категорияга асосланиб ёндашилган: 1) иқтисодий категория (Р.Кэмпбелл, К.Макконелл, Г.Менкью, А.Лаффер, Лоренц, Д.Черник, А.Вознесенский, В.Глухов, Э.Тайт, В.Твердохлебов, В.Галкин, С.Фишер, А.Шенк, Ё.Абдуллаев, Д.Ғозибек, Э.Ғадоев, Ж.Р.Зайналов, Ҳ.Собиров ва Ш.Тошматов); 2) ижтимоий категория (Д.Шаулов, У.Кан, Н.Обламурадов, Ф.Толипов, Ҳ.Дадабоев, Б.Ғафуров, Р.Нуриев, Т.Исламов).

Мамлакатимиз ва хорижда турли тилларнинг терминологик тизимларини ўрганишга доир тадқиқотлар кўп бўлса-да, уларни бошқа тиллар билан қиёслаб ўрганишга асосланган тадқиқотлар оз. Ч.С.Абдуллаева иқтисодий терминларни рус ва ўзбек тиллари мисолида монографик йўсинда тадқиқ этган²³, А.А.Абдуллаева эса халқаро алоқалар соҳаси лексикасининг рус ва ўзбек тиллари асосида қиёслаб таҳлил этишга бағишланган номзодлик диссертациясини²⁴ ёқлади. П.П.Нишоновнинг француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типология тадқиқи²⁵ мавзусидаги илмий иши эътиборни тортади. Терминларни таржима муаммолари Г.Террининг докторлик диссертациясида атрофлича ўрганилган. Унда юридик терминларни француз ва немис тиллари мисолида

¹⁸Лейчик В.М. Номенклатура-промежуточное звено между терминами и собственными именами//Вопросы терминологии и лингвистической статистики. – Воронеж, 1974. – С.56–61.

¹⁹Даниленко. В.Г. Лексико-семантические и грамматические особенности слов-терминов//Исследование по русской терминологии. – Москва: Наука 1971. –С. 67.

²⁰Арзикулов.Х. «Семантические проблемы в терминологических системах французского языка (на материале анкологической терминологии)». Автореф. дис...канд.филол.наук. –Т., 1980. –С.20.

²¹Дониёров. Р. Ўзбек лексикографиясининг муҳим бир масаласи тўғрисида//Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 1981. 32-37.Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. Узбекская техническая терминология на современном этапе. Дисс...док-ра филол.наук. –Т., 1988. –С.346.

²²Толстов С.П. Основные вопросы древнейшей истории Средней Азии. ВДИ.№1. –М., 1938. –С. 49.

²³Абдуллаева Ч.С.Русско-узбекские параллели в современной эконимической терминологии: Автореф. Дисс...канд.филол.наук. –Т., 2000. –С. 22.

²⁴Абдуллаева А.А. Лексика сферы международных отношений (на материале русского и узбекского языков): Автореф. Дисс...канд. филол.наук. –Т., 2003. –С. 26.

²⁵Нишонов П.П.Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типология тадқиқи: Филол.фанлари номзоди...автореф. – Т., 2009. –Б.-25.

ўрганилган²⁶. Мазкур тадқиқотларда иқтисодиёт терминлари умумий йўсинда кузатилади. Халқаро алоқалар терминлари ва юридик терминлар, асосан, рус-ўзбек, француз-ўзбек, француз-немис тиллари билан қиёсий-типологик аспектда чоғиштирилади. Ўзбек алломалари томонидан яратилган илмий, тарихий ва бадиий асарларнинг хорижий тиллар, хусусан, инглиз тилига ўгирилган нусхаларида солиқ ва божга алоқадор терминларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари ва унинг Wheeler M. Thackston ҳамда Salman Rushdie томонидан инглиз тилига ўгирилган таржимасида қуйидаги солиқ терминларини кўриш мумкин. “Шу...*шақдори...олдик*”²⁷. Таржимаси: “*At...provost...that region*”²⁸. Шунингдек: “Шу...*баротини...*”²⁹. Таржимаси: “*From that...chit...allowed those coming from Kabul and left*”³⁰.

Юқорида келтирилган туркий ва инглизча жумлалардаги “*шақдор – provost*” термини ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган «*солиқ йиғувчи, солиқчи*», терминининг муқобилидир. Аммо, инглизча “**provost**” лексемаси “**харбий миршаб**” маъносини акс эттиргани учун “**солиқчи ёки солиқ нозири**” терминларининг тўлиқ муқобиллигини таъминлай олган эмас. Шунингдек, “**барот – chit**» термини ҳам ўша даврда солиқ ва бождан озод қилиш ҳақида ҳукмдорлар томонидан бериладиган «**махсус ҳужжат**» га муайян даражада муқобил бўлиб келган бўлса-да, таржимон мазкур сўзларни инглиз тилидаги махсус соҳа термини орқали эмас, балки умумадабий лексикада мавжуд бўлган оддий лексема билан берган. “Бобурнома”да туркий тилда қайд этилган “*доруга*”, “*тиюл*”, “*тархон*”, “*ушра*” каби солиқ ва бождарга оид терминлар ҳам учрайди. Солиқ турлари ҳамда терминлари Насриддин Тусийнинг “Молиёт”, С. Айнийнинг “Эсдаликлар”, “Одина” каби асарларида анча кенг қўлланилган. Муаллифлар қўллаган солиқ ва бож терминлари ўтган асрларда кенг истифода этилган, бугунга келиб улар архаик сўзлар қаторига ўтган.

«*Солиқ ва божхона терминологиясининг умумий хусусиятлари*» деб номланган кейинги параграф СБ терминологиясининг тилшуносликда тутган ўрни ва умумий хусусиятларини таснифлаш масаласига бағишланган. Инглиз тили СБ терминологияси ўзининг серқирралиги, кўп функционаллиги билан ажралиб туради. Масалан: *tenant* – *-ижарачи*, *duty* – *бож*, *audit* – *текиширув*, *base* – *база*, *balance* – *мувозанат*, *қолдиқ*, *сальдо*, *budget* – *бюджет*, *income* – *даромад*, *interest* – *фоииз*, *price* – *нарх*, *trade* – *савдо*, *reserve* – *захира*, *quote* – *квота*. СБ терминологик тизими лисоний жиҳатдан учта асосий: а) **семантик белги** б) **структуравий белги** с) **умумадабий тилга боғланганлик белгилари** билан характерланади ва умумадабий тил лексик қатлами таъсирида шаклланиб, ўзига хос функционал вазифани ўтайди. СБ терминологиясига хос умумий хусусиятлар умумтилшуносликнинг яхлит тизимидан ажратилмаган ҳолда ўрганишни тақозо қилади. СБ терминологиясининг ўзига хос хусусиятларидан бири – унинг инсон ақлий фаолияти ва тажрибаларининг концептуал босқичлари орқали намоён

²⁶Thierry Grass. La traduction juridique bilingue français-allemand: problematique et resolution des ambiguities terminologiques. Thèse de Doctorat. – Nancy, 1996, –P. 325.

²⁷Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т., 2008. –Б.196.

²⁸THE BABURNAMA memoirs of Babur, Prince and Emperor, translated, edited, and annotated by Wheeler M. Thackston and Salman Rushdie. –New York, 2002. –P.321

²⁹Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома, –Т., 2008. –Б.28.

³⁰Қўрсатилган адабиёт.–Б.441.

бўлишидир³¹. Кузатишларимиз СБ терминологиясида муайян мутахассисликларга хос илмий тушунчаларнинг лисоний сатҳда ўзаро боғланишда акс этишини кўрсатади. Терминологик тизим ўз таркибига бирлаштирган терминоэлементлар орқали ички структуравий тасвирни муайян семантик белгилар ёрдамида расмий жиҳатдан намоён қилади. Бунда: а) терминнинг муайян терминологик гуруҳларини шакллантирадиган мазмундорлик жиҳати (семантика)ни; б) терминологик тизим шаклланишида терминларнинг ўзаро муносабатига таъсир этувчи **сўз яшаш ва дериватологик, структуравий жараёни**; в) терминологик тизимдаги **полисемия, синонимия, антонимия, омонимиянинг** шаклланишидаги лексик-семантик жараёни инобатга олиш муҳимдир.

Ҳозирги замон инглиз тилида СБ терминологик бирликларининг ясалиш жараёнида турли сўз ясовчи суффикслар иштирок этади, уларнинг ҳаммасида ҳам маҳсулдорлик кузатилмайди. Мазкур суффикслар орқали сўз яшаш тилнинг ўз ички манбалари ҳисобига бойиш йўли бўлса, ташқи манбалар ҳисобига бойиши “калькалаш” йўли билан амалга ошади. СБ терминологиясидаги калькалаш **сўзма-сўз (айнан) таржима, трансформацион таржима ўзлашма** ҳамда **ярим ва тўлиқ калькалаш** йўли орқали берилади. Бу ўзбек тили луғат таркибининг бойишига, ривожланишига таъсир этади. Ўзбек тили СБ терминларининг ясалиши муайян сўз ясовчи усулларга суянса-да, мазкур жараён илм-фаннинг ривожланиш парадигмасига узвий боғлиқдир. Шу маънода, “терминологик тизимнинг ўзига хос жиҳатлари, унинг таркибий боғлиқлиги лингвистик омиллар асосида, сўз ва сўз бирикмаларининг ясалишидаги моделларда аниқ ва равшан акс этади”³². Инглиз ва ўзбек тили СБ терминологиясида бир компонентли терминлар миқдор жиҳатдан кўп бўлмаса-да, тизимда уларга нисбатан туб терминлар сифатида қаралди. Туб терминлар яқка лексик бирликдан ташкил топган, улар маъноли морфемаларга бўлинмайди. Масалан: *Tax – солиқ, arrears – боқиманда, duty – бож, burden – юк (солиқ юки), levy – йиғим, area – ҳудуд (божхона ҳудуди), incentive – имтиёз, revenue – тушум, rate – ставка, loss – зарар, fiscal – молиявий* кабилар шулар жумласидандир. Тадқиқот ишида терминларнинг оддий, ясама, мураккаб, таянч, ўзлаштирилган шаклларида ташқари «кенг маънодаги умумилмий» терминлардан ҳам фойдаландик. Кенг семантикали терминлар терминологик тизимда фақат биргина маънони англатиб, ўзларида экспрессив-эмоционал коннотацияни ифодаламайди. Тилшунос олимларнинг фикрича, бундай терминлар “фикрнинг чуқур моҳияти” ни ўз таркибига камраб олган бўлади³³. Бундай терминлар таркибида кўпмаънолик яширин шаклда намоён бўлишини кузатиш мумкин. Масалан: *Taxation object – солиқ объекти* (солиқ ундириладиган операция ҳамда солиқ солинадиган импорт маҳсулотлар, жисмоний ва юридик шахс мавқеига эга бўлган шахслар), *tax harmonization – солиқ гармонизацияси* (солиқларни уйғунлаштириш, соддалаштириш, мамлакат солиқ тизимини, сиёсатини мувофиқлаштириш, халқаро ва регионал ҳужжатларни мувофиқлаштириш),

³¹Кубрякова Е.С. Эволюция лингвистических идей в второй половине XX века//Язык и наука XX века. – М.,1995. –С. 93.

³²Реформатский А.А. Введение в языкознание. – М.,1967. – С.122.

³³Антонова М.В., Лейчик В.М. Роль концептуальной структуры в формировании отраслевой терминологии//Термины и их функционирование. –М.,1987. –С.28–29.

structure of tax agency – солиқ органлар тузилмаси (ягона марказлашган солиқ тизимини ташкил қилувчи барча солиқ органлари, идоралари)³⁴.

Диссертациянинг II боби «**Солиқ ва божхона терминларининг лексик ва морфологик таҳлили**» деб номланади. У уч параграфдан иборат. Мазкур бобда қиёсланаётган икки тил СБ терминологиясининг қандай йўллар орқали бойиб, такомиллашиб бориши таҳлил қилинган. Бобнинг “*Солиқ ва божхона терминларини лексик қиёслаш ва уларнинг аффиксация усули орқали ясалишини тадқиқ этиш*” деб номланган иккинчи параграфда инглиз тили СБ терминларининг аффиксация усули (префиксация, суффиксация, циркумфиксация) орқали ҳосил бўлиши ва бойиб бориши ўрганилган. Умуман, инглиз тили СБ терминларининг шаклланиши ва ясалишининг қуйидаги асосий турлари мавжуд: 1) **аффиксация**; 2) **морфологик**; 3) **конверсия**; 4) **акроним ва аббревиатуралар**. Аффиксация орқали сўз ясаш инглиз тилида маҳсулдор усул ҳисобланади ва у икки асосий гуруҳга бўлинади: 1) суффикслар орқали; 2) префикслар орқали сўз ясаш. Аффиксация усулида лексемалар муайян отенка, маълум қўшимча ва морфема ёрдамида ифодаланади. Бу морфологик ифодаланиш дейилади. “Суффикс ва префикслар морфологик нуктаи назардан сўз ясовчи элементлар ҳисобланади, ёрдамчи морфемалар, сўз ясовчи форматлар ўзларида тилнинг энг кичик (минимал) сўз ясовчи, қурилиш элементларини акс эттиради”³⁵.

Инглиз тили солиқ ва божхона терминларининг ясалиш жиҳатларидан фарқли ўларок, бирикмали терминлар таржимасида ҳам, **-иш, -и, -лик, -гар, -дор, -чи** сўз ясовчи қўшимчалари ўзбек тилига таржима қилинган солиқ ва божхона терминологик бирликлар тизимида фаол қўлланилади. Масалан: *Exempt from tax – солиқ тўлашдан озод қилиш; delivery goods –товар етказиш; currency proceeds – валюта тушуми; responsibility – жавобгарлик, масъулият; tax legislation – солиқ қонунчилиги; beneficiary – -манфаатдор; law breaker – -қонун бузувчи; lease owner – ижарага берувчи* ва бошқалар.

Инглиз тилидаги **-ing** ва **ment-tion** суффикслари ўзбек тилида ҳаракат номи ясовчи вазифадаги **-ш (иш)** қўшимчасига тўғри келиб, СБ терминологик тизимда энг фаол термин ясовчи қўшимча вазифасини ўтамоқда. Бундан ташқари, **-ing** ва **-ment** суффиксларини ўрганиш ўзбекча **-ув** ва **-ов** қўшимчалари СБ терминологиясида ўз вазифасидан узоқлашиб, феъл сўз туркумидан ҳаракат номи шаклини ясовчи хусусиятини ўзига тўлиқ ўзлаштириб олганлигини кўрсатди. Масалан: *Checking – текширув, investigation – суриштирув, management– бошқарув, payment – тўлов, measurement – ўлчов* каби терминлар ана шу қўшимчаларнинг маҳсулидир.

Тадқиқот жараёнида СБ соҳасига оид инглизча терминларни махсус адабиётлардан, луғатлардан, ҳужжатлардан, газета ва журналлардан, соҳа кодексларидан ўрганиб, фаол қўлланадиган терминларни тўпладик. Улар маълум бир тизимга солингандан кейин, шунга ишонч ҳосил қилдикки, СБ терминшунослигида аффиксация усули билан ясалган терминлар кўп учрар экан. Тизимда уларнинг улуши 34,8% (974, 4 термин) га тўғри келади.

³⁴Улугходжаева Р.Х. Налоги и налогообложение. – Душанбе,–2003. –С.153., Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение. – М., 2002. –С.167.

³⁵Кубрякова Е.С.Семантика производного термина//Внутренняя структура языка. – М.,1972. –С.54.

Бобнинг иккинчи параграфи “*Инглиз тили солиқ ва божхона терминларининг морфологик усул орқали ясалишини моделлаштириши*” деб номланади. Унда ҳар икки тилда солиқ ва божхона терминларининг морфологик усул билан ҳосил бўлиш йўллари атрофлича ўрганилган. Тадқиқотимизда якка ва жуфт компонентли терминлардан ташқари таржимада изофали, сўз бирикмали, префикс ва суффикслар ёрдамида ясалувчи терминларнинг кенг тарқалганини аниқладик. Мазкур масалани яна ҳам чуқурроқ аниқлаштириш мақсадида инглиз тили СБ терминларининг синтактик усулда ясалиши кузатилгани куйидагича моделлаштирилди. **Noun+adj=adj:** *Duty-free* – бож олинмайдиган, *tax-exempt* – -солиқдан озод, *interest-free* – фойсиз, *state-financed* – давлат томонидан молиялаштирилган, *preferential difference* – преференциал фарқ, *prepayment-penalty* – олдиндан тўлаш жаримаси. Шунингдек, терминлар таржимасида учрайдиган солиқ-божхона терминлари ясалиш жиҳатидан ўзбек тилидан фарқли ўлароқ **сифат+от, от+сифатдош I, от+сифатдош II, от+равиш, raviш +от, феъл +от** ёрдамида ясалиши аниқланди. Фикримизни далиллаш учун куйидаги мисолларга мурожаат қиламиз. **Adj+Noun:** *Double-tax* – икки ёқлама солиқ, *payable tax* – тўланадиган солиқ, *excise duty* – акциз божи, *heavy duty* – божни оғирлиги (кўплиги), *hidden tax* – яширин солиқ (*билвосита*), *specific duty* – ўзига хос бож, *international tax convention* – халқаро солиқ конвенцияси, *bilateral trade* – ўзаро савдо (икки томонлама). Шунингдек, **(от+сифатдош I) Noun+part/ I:** *Money-making* – жамғариб бориши, *ballot* – rigging-сохталаштириши, *бузиб кўрсатиши*, *book-keeping* – бухгалтерия, *method-caculating* – ҳисоблаш усули, *day-reckoning* – ҳисоб- китоб кунли, *fine-imposing* – жарима солиши.

Тадқиқот натижаси шуни кўрсатдики, инглиз тили солиқ ва божхона терминологик тизимида конверсия ҳодисасининг тез-тез юз бериши, ўзбек тилига нисбатан анча маҳсулдор ва ушбу терминологик тизимга хос хусусиятдир. **N+N** модели конверсия ясалиш ҳодисасида фаол иштирок этади. Масалан:

2.1- жадвал

Терминларнинг конверсия орқали ҳосил бўлиши

| Инглизча термин | Ўзбек тилида англагучи маъноси | Конверсияга учраш ҳолати | Янги лексик маъноси |
|-----------------|--------------------------------|--|--|
| credit | имтиёз, қарз | қарз бермоқ, имтиёз бермоқ | tax credit – солиқ имтиёзи |
| act | баённома, ҳужжат | ҳаракат қилиш, келиб тушиш (тушумнинг) | tax and customs act – солиқ ва божхона баённомаси (қонуни) |
| estimate | мўлжал, тахмин | смета тузмоқ | budget estimate – бюджет лойиҳаси |

Таржима жараёнида инглиз тили СБ терминологик тизимига хос бўлган конверсия ҳодисаси таъсирида сўзларнинг лексик шакли ва талаффузи ўзгаришсиз қолади. Бир сўз туркумидан бошқа бир сўз туркумига ўтишидаги ўзаро муносабатлар **V+N** моделига мувофиқ (дериватив ҳолат) феъл сўз туркумидан отлашган сўзлар, ўзак феъл морфемик қобиғи билан талқин этилади. Бу ҳолат таржимоннинг диққат марказида бўлиши, адекват таржима қилишга замин яратади. Масалан:

2.2 - жадвал

| Инглизча термин | Ўзбек тилида англаувчи маъноси | Конверсияга учраш ҳолати | Янги лексик маъноси |
|-----------------|---------------------------------------|---------------------------------|-----------------------------------|
| levy | йиғмоқ, ундирмоқ | йиғим, солиқ | levy a tax- солиқ солмоқ, (йиғиш) |
| exempt | озод қилмоқ (солиқдан, бождан) | имтиёз | exempt tax- солиқдан озод қилмоқ |
| rate | бирор кишига баҳо бермоқ, жалб қилмоқ | фоиз, коэффициент, нарх, қиймат | tax rate - солиқ ставкаси |

Юқоридагилардан кўринадики, лисоний конверсия ҳодисаси таъсирида лексемалар янги парадигма ҳосил қилиб, таржимада ўзга лексик маъно ифодаламоқда. Тадқиқотимизда таҳлилга тортилган инглиз тили СБ терминларидан 78таси (2,8%), ўзбек тилидаги терминлардан 44таси (2%) конверсиялашганлиги аниқланди.

Бобнинг учинчи параграфи «*Инглиз тили солиқ ва божхона терминологиясида антонимия ҳодисасининг тутган ўрни*» деб номланади. Ушбу параграфда соҳа терминологиясида антонимик терминларнинг турлари, роли ва уларни таржима қилиш масалалари тадқиқ этилган.

Терминологияда антонимик терминларнинг ўзига хос жиҳати, бу – соҳа тушунчаларини ифодалаш жараёнида улар вариантдорлигининг нисбатан камлиги, айрим антоним терминларнинг муқобили деярли мавжуд эмаслигидадир. «Антонимик бирликлар семантик жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши муносабатда бўлгани ҳолда, парадигматик жиҳатдан ягона дифференцияловчи белги билан фарқланади».³⁶ Масалан: *expansion* (кенгай (тир) иш) – *reduction* (қисқар (тир) иш) антонимларига “кенгаймаслик” ва “қисқармаслик” белгилари орқали қарама-қарши туриши ифодаланади. Тадқиқотимизда антонимия “контрар, контрадиктив, градуал, комплементар”³⁷ турларга ажратиб ўрганилди. Инглиз тили СБ терминологиясини ташкил этган антонимик терминларнинг аксарияти яқка компонентли бўлса, баъзан сўз бирикмаси шаклидаги терминлар эканлиги кузатилди. Тадқиқот-кузатувлар натижасида бу хил терминларнинг аксарият қисми антонимик-сифат терминлар эканлиги, уларнинг умум-ўзак хусусиятга эга бўлган терминлар сифатида негизига ихтисослик – таянч компонентини бириктирганлиги аниқланди. Жуфт оппозицион сифат терминлар терминологик тизимда фаол қўлланувчи бир хил ўзакдан таркиб топган ясама, шунингдек, турли ўзакдан таркиб топган туб терминларга ажратилди. Масалан: *taxing* – *taxless* = божли / божсиз, *taxable* – *untaxable* = солиққа тортиладиган / тортилмайдиган, *profitable* – *unprofitable* = даромадли / бедаромад, *increase* – *decrease* = юксалиш / пасайиш, *gains* – *losses* = даромадлар / зарарлар, *expansion* – *curtailment* = кенгайиш / тораиш ва бошқалар.

Тадқиқот жараёнида антонимиянинг контрадиктив шаклидаги терминларнинг зид маъноли оттенкаларга асосланганлиги кузатилади. Жумладан: *hard prices-sliding prices*=барқарор нарх/беқарор нарх, *light taxation-heavy taxation*=солиқ юкининг энгиллиги/солиқ юкининг оғирлиги.

Инглиз тили СБ терминологик тизимида қўлланувчи антонимиянинг яна бир тури градуал антонимик бирликлардир. Градуал антонимлар муайян жараён ва ҳодисанинг давомийлиги босқичма-босқич амалга ошишини кўрсатади.

³⁶Новиков Л.А. Антонимия в русском языке. – М., 1973. –С. 58–61.


³⁷Федорченко Е.А. Становления и развития терминологической лексики таможенного дела в русском языке. – М., 2004. –С. 91.

Антонимиянинг мазкур турида, асосан, суффикс ва префикс орқали ясалган терминлар учрайди. Масалан: *payment-prepayment-extrapayment-overpayment* = 1) тўлов; 2) олдиндан тўлов; 3) қўшимча тўлов; 4) ортиқча тўлов.

Солиқ тизими амалиётида фаол қўлланувчи кўп компонентли терминлар қуйидагича талқин қилинади. Масалан: *Normal taxation* – меъёрий солиққа тортиш, *one time taxation* – бир марталик солиққа тортиш, *double taxation* – икки ёқлама солиққа тортиш, *triple taxation* – уч марталик солиққа тортиш, *multiple taxation* – кўп марталик солиққа тортиш. Инглизча кўп компонентли фаол терминларни ўзбек тилига таржима қилишда солиқ амалиётида мавжуд усулларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, имкон қадар ихчамликка эришиш муҳимдир. Айрим ҳолларда шаклий ихчамликни таъминлаш имкони мавжуд бўлмаса, истисно тарзида таржимада терминни бир неча сўз билан ифодалаш ҳам мумкин. Бундай ҳолларда тасвирий таржимани қўллаш адекватликка эришишни таъминлайди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Солиқ ва божхона терминологик бирликларини берилишининг ўзига хос хусусиятлари**” деб номланган. Унда СБ терминологиясида учрайдиган синонимик, омонимик ва полисемантик бирликларнинг терминлар таржимасидаги иштироки, шунингдек соҳа терминологиясига когнитивлик асосида кириб келган стилистик шаклдаги терминларни қўллашда интерференция масалалари атрофлича ёритилган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфи “*Инглиз тили солиқ- божхона терминларини ўзбек тилига берилишида синонимик, омонимик ва полисемантик бирликларнинг интерференцияси*” деб номланган. Инглиз ва ўзбек тиллари СБ терминологиясига синонимия, омонимия ва полисемия ҳодисалари характерли бўлса-да, терминларни қўллашда улар мақбул, меъёрий ҳолат ҳисобланмайди. Чунки полисемиялар ҳамда синонимлар бирор-бир СБ тушунчасини аниқ ифодалай олмаганлиги боис терминларнинг илмий таржимасида ижобий ҳол саналмайди. Буни назардан қочириш таржима амалиётида ноаниқликларни келтириб чиқаради, адекватликнинг юзага келишига монелик қилади. Шу маънода, тадқиқотимизда полисемик ва синонимик терминлар, уларнинг берилишдаги вариантдорлик турлари ва абсолют синонимлар (нисбий, идеографик, стилистик) тез-тез учраб туради. Фикримиз далили сифатида қуйидаги мисолларга мурожаат қиламиз: ***Tax preference*** – **солиқ имтиёзи** тушунчасини инглиз тилида қуйидаги лексемалар асосида талқин қилиб ифодалаш мумкин. *Tax incentive, tax privilege, tax receipt, tax remission, tax break, tax reduction, tax exemption, tax rebate, tax allowance, tax concession, tax cuts, tax relief, tax credit, tax holiday, tax fringe benefit*. Тадқиқотимизда **даромад** терминини семантик жиҳатдан қуйидагича гуруҳлашга уриндик.



Юқоридаги чизмадан кўринадики, *даромад* (*кирим, тушум*) лексемаси инглиз тилида уч соҳавий қатлам элементиدير. Мулоқот жараёнида эса уларни ажратиб турувчи муайян тўсиқ мавжуд эмас. Бу ҳол термин билан термин бўлмаган лексеманинг таржимадаги функционал жиҳатларини белгилашда муайян қийинчиликларни туғдиради. Инглизча *revenue* (*даромад, кирим, тушум*) термини нафақат солиқ амалиётида, балки божхона соҳасида ҳам фаол қўлланилиши мумкин. Фикримиз тасдиғини қуйида келтирилган жумланинг таржимаси орқали асосласак бўлади.

Инглиз тилида: “*Customs transit procedures are designed to facilitate the movement of goods crossing the territory of one or more countries, without jeopardizing customs revenue, which is threatened by the diversion of goods to the local market*”³⁸.

Таржимада: “*Товарларни божхона назоратидан олиб ўтиш тартиби, уларни бир ёки бир нечта давлат ҳудуди орқали маҳаллий бозорларга олиб кириш, божхона божни тўлашдан бўйин товлаш каби жараёнларнинг олдини олиш мақсадини назарда тутати*”.

Кўринадики, солиқ амалиётида англашилган «*тушум*», «*даромад*» маънолари божхона соҳасида қўлланилганда “*бож тўлови*”ни ифодалаб келмоқда. Бу ўринда терминнинг “*тўлов*”, “*даромад*”, “*тушум*” маънолари буткул йўқолмайди. Аксинча, муайян соҳанинг ўзига хослигига кўра мантиқий мазмун касб этади. Терминларнинг синонимик ҳолатини ҳисобга олиш ва лисоний воситаларни тўғри танлаш таржимада муҳим аҳамият касб этади. Соҳавий терминологияда шундай синоним терминлар ҳам мавжудки, улар шаклан фарқлангани ҳолда, семантик жиҳатдан бир хилдир. Масалан: Инглизча *local taxes* термини ўзбек тилига ўз лексик-семантик хусусиятини сақлаган ҳолда “*маҳаллий солиқлар*” маъноси билан берилса, Буюк Британияда *local taxes*-термини сифатида, АҚШда *local rates* - орқали интерпретация қилинади. Шунингдек, “*tax payer*” (брит.), *rate payer* (амер.)= *солиқ тўловчи*³⁹ каби синонимик терминлар таржима жараёнида учрайди. СБ терминларни берилиш жараёнида аслият ва бир тилдаги адабий вариантларнинг тафовутлари ҳам инобатга олиниши лозим. Чунки АҚШ ва Буюк Британия солиқ тизимининг Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимидан фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд:⁴⁰ Бизда жорий қилинган солиқ тизими Буюк Британия амалиётига нисбатан яқин туради. Чунки Ўзбекистон Республикаси соҳа амалиётида ҳам икки поғонали солиқ тизими амал қилади. Бу ҳол таржима жараёнида терминлар мувофиқлигини таъминлашда қулайлик туғдиради. Ўзбекистон, АҚШ ва Буюк Британия солиқ терминларининг терминологиядаги асосий фарқли жиҳатлари (миқдори 17 та термин) 0.6 % ни ташкил қилади. Уларнинг айримларини қуйидаги жадвалда кузатишимиз мумкин.

³⁸Luc De Wulf and Jose B.Sokol. Customs modernization handbook. –Washington.2005. –P.233.

³⁹Осикова Л.Н. Английский язык, налоги и налогообложение. –М., 2006. –С.103–216.

⁴⁰Ўрмонов Ж.Ж. Хорижий мамлакатлар солиқ тизими. –Т., 2007. Б. 7–10.

АҚШ ва Буюк Британия солиқ терминларидан Ўзбекистон солиқ тизимида қўлланиладиган терминларни берилишдаги фарқи

| АҚШда | Буюк Британияда | Ўзбекистонда |
|-----------------------------|------------------------|---|
| consumption tax | value added tax | қўшилган қиймат солиғи |
| corporation profit tax | corporation profit tax | юрлик шахслар фойда солиғи |
| turnover tax (савдо солиғи) | unified tax | ягона солиқ (умумий оврақтланиш корхоналаридан) |

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи «*Инглиз тили солиқ ва божхона терминларининг берилишдаги функционал-семантик хусусиятлари*» деб номланган.

Инглиз тили лексикасининг СБ терминологиясини семантик майдонларга ажратиб термин шаклидаги сема ва концептларни икки тил (инглиз-ўзбек) лексикографияси нуқтаи назаридан бериш, терминологик лексик сатҳини яхлит система сифатида таҳлил этиш имконини беради. Биз диссертацияда инглиз тили СБ терминологик семантик майдон ядроси ва перифериясини ташкил этадиган терминологик бирликларни ифодаловчи 5та лексик-семантик гуруҳлар (ЛСГ)ни ажратиб кўрсатдик. Чунки улар оддий, сўз бирикмали, мураккаб шаклларда келиши билан бир-биридан фарқланади.

Терминлар берилишида омонимлик мақбул, мёрий ҳолат ҳисобланмаса-да, терминларо омонимияга йўл қўйилади. Бу ҳол таржимада омонимик терминнинг семантик маъноси ноаниқ бўлишига олиб келади. Чунки фаоллик даражаси турли хил омонимлар мулоқот жараёнида кўпроқ учрайди. Тадқиқотимизга доир (инглиз тилида 40та ўзбек тилида 25тани ташкил қилади) айрим терминларни келтирамиз. “*Balance*” – “мувозанат”, “*balance*” – “қолдиқ, сальдо”, “*duty*” – “хизмат мажбурияти”, “*duty*” – “бож”, “*bond*” – алоқа, ришита, дўстлик, “*bond*” – облигация (қимматли қозғоз), тўлов мажбурияти “*bond*” – бирлаштириш (моқ), “*bond*” – ёзма келишув, кафиллик, шартнома каби от ва феъл сўз туркумларига мансуб омонимик лексемалар қаторига ҳам тааллуқлидир. Юқоридаги **bond**, **balance**, **duty**-лексемалари омонимик сўзлардир. Уларнинг термин сифатида ягона маъно касб этиши таржимада эътиборда тутилмаса, семантик хатоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Мазкур лексемаларни қўллашда муайян термин сифатида ажратиб олишнинг мураккаблиги уларнинг талаффуз жараёнида фарқ қилмаслигидир.

Халқаро иқтисодий норматив ҳужжатларда учрайдиган акроним ва аббревиатуралар таржимасида уларнинг дифференциал хусусиятларини назарда тутиб, элементларга ажратиш, ҳар бир унсури мустақил лексик-семантик маъно ифодаловчи лексема эканлигини инобатга олиб, кенгайтириш йўли орқали соддалаштириб талкин қилиш мақсадга мувофиқ. Уларнинг миқдори инглиз тилида 67та (2,4%) ни, ўзбек тилида эса 39та (1,8%)ни ташкил этади. *E.P.T* – *Excise Profit Tax* – акциз фойда солиғи, *FOB (free on board)* – маҳсулотни сотувчи ҳисобидан етказиб бериш хизмати ва бошқалар.

Инглиз тили солиқ ва божхона акроним ва аббревиатуралари бир неча лексик-семантик гуруҳларга (ЛСГга) бўлинади. Масалан: А) Солиқ ва солиққа тортиш ташкилот, идора, уюшма номларини ифодаловчи акроним ва аббревиатуралар:

А) *A.T.A-American Taxpayers Association* – Америка солиқ тўловчилар уюшмаси; Б) Солиқ ва солиққа тортиш соҳасига доир ҳужжат номларини ифодаловчи терминлар: *T.A.N-Tax anticipation note*-келажакдаги солиқлар ҳисобига келадиган

облигация. В) Солиққа тортиш амалиётида солиқ кодексида учровчи акроним ва аббревиатуралар турлари: *D.T.R – double taxation relief* – икки ёқлама солиқдан озод қилиш, *V.A.T – value added tax* – қўшилган қиймат солиғи⁴¹. Якка компонентли терминларни ҳам қисқартириш ўзига хосдир. Масалан: *inv-invoice – ҳисоб фактураси, хабарнома; ex-exempt – озод қилиш (солиқ ва бождан)*. Инглиз тилидан фарқли ўларок, ўзбек тилида изофали, мураккаб шаклдаги солиқ ва божхона терминологик аббревиатуралар камдан-кам ҳоллардагина қисқартирилган шаклда талқин қилинади. Таржима қилиш жараёнида, одатда, термин бирикмалари қисқартирилмасдан яхлитлигича қўлланилади. Масалан: *T.I.N – taxpayer identification number – солиқ тўловчининг индивидуал рақами* ва бошқалар.

Бобнинг учинчи параграфи «*Солиқ ва божхона терминларининг стилистик семантик хусусиятлари, уларнинг берилиши*» деб номланган. Унда инглиз тили СБ терминологиясига кириб келган стилистик бирлик шаклидаги соҳа терминларининг берилишидаги муаммоли масалалари таҳлил этилади.

Стилистик бирликларни адекват таржима қилиш ўта мураккаб ва масъулиятли иш. Бу ҳол терминологик тизимни ҳам четлаб ўтмайди. Бинобарин, коннотатив маънони ўзида акс эттирувчи бирликлар терминологияга хос бўлмаган ҳодисадир. Инглиз тили СБ терминологиясида мавжуд бўлган бундай лексемалар таркибидаги семантик, прагматик, стилистик хусусиятларни аниқлаштиришда қиёсий ўрганилаётган инглиз-ўзбек тиллари бирликларининг ана шу жиҳатлардан ўзаро вазифавий мос келиш-келмасликларига аҳамият қаратиш таржима адекватлигини таъминловчи муҳим омилдир.

Инглиз тили СБ терминларини қўллашда ҳам услубий бўёқдорликдан фойдаланиш мумкинлигини кузатиш мумкин. Масалан: *brake* – 1) лексик маъноси: “тормоз”; 2) соҳавий терминологик маъноси: “солиқ тўловларини ошириш йўли билан иқтисодиёт ривожланишини бўғиш”. *Shield* – 1) лексик маъноси: “қалқон”; 2) соҳавий терминологик маъноси: “солиқ юқини камайтириш”. *Haven* – “гавань, бандаргоҳ”, махсус терминологияга кўчганида эса «хорижий мамлакатлар сармоясини жалб қилиш мақсадида муайян давлат томонидан солиқ имтиёзлари бериш йўли орқали молиявий шарт-шароитлар яратиш», тушунилади. *Heaven* – лексик маъноси жиҳатдан «осмон», «жаннат», «солиқ ва бошларни энг қуйи ставкада ундириладиган ҳудуд» деб тушунилади. Жумла таржимасига эътибор беринг: Инглизча: **It is not unusual for companies to shift their headquarters to a tax haven when they fear political hazards in the country in which they are based**⁴².

Таржимаси: *Сармояси юқори самара берадиган компанияларга шарт-шароит яратган давлатнинг сиёсий таҳликалари туфайли маъмурий бошқармаларини ўзгартириб туриши заъриоддий ҳол эмас.*

Шунингдек: **Tax havens are also popular with criminals as means by which their illgotten gains can be “laundered” and come out clean**⁴³.

Таржимаси: *Имтиёзли солиқлардан хуфиёна маблағ ўзлаштирган шахс жавобгарликдан қутулиб қолиши ҳам мумкин.*

Когнитив лингвистик тадқиқотлар бевосита “антропоцентризм” йўналиши омиллари билан чамбарчас боғланади. Бу тамойилга кўра, илмий тадқиқот объекти

⁴¹Эслатма: *V.A.T* – қўшилган қиймат солиғи АҚШ солиқ тизимида мавжуд эмас.

⁴²Осикова Л.Н. Английский язык, налоги и налогообложение. – М., 2006.С – 40.

⁴³Қўрсатилган адабиёт. С– 40 – 41.

марказида, аввало, инсон омили туради. Бинобарин, СБ терминлари ҳам бевосита “антропоцентризм” тамойилига узвий боғлиқликда тадқиқ этилади. Масалан: *Brainpower* сўзининг калька таржимаси – “мия кучи”, у тизим термини сифатида “ақл заковатнинг олий даражаси” (солиқ механизмини такомиллаштириш борасида) маъносини англатади. *Brainstorming* эса “ақлий ҳужум”, тизим термини сифатида “соҳага оид муаммонинг жамоавий муҳокамаси” маъносини ифодалайди. *Brain* сўзи денотатив маънода инсоннинг таффакур қилиш органи мазмунини беради. Таржима натижасида бадиий тасвир воситаси бўлган метафорик кўчиш орқали *power, storming* сўзлари бирикиб, субъектга нисбатан ўзига хос характерли стилистик маънони ифодамоқда. СБ терминологик тизимига кириб келган айрим лексемалар ўзи билан турли ҳайвон номларини ҳам ифода этади. Улар ўз хусусиятларига кўра икки ЛСГга ажратилди: а) уй ҳайвонлари; б) ёввойи ҳайвонлар;

Тадқиқотимизда биринчи гуруҳга доир *bull* – ҳўкиз – иқтисодиёт, СБ термини сифатида чайқовчи (нархни ўйнатиб туришга таъсир қилувчи шахс); *cash-cow* – соғин сигир – фойда келтирадиган уй ҳайвони, реклама қилиш учун алоҳида сарф-ҳаражат талаб қилмайди, фойдали бизнес; б) *bear* – айиқ – 1) чайқовчи, (спекулянт); 2) брокер-нарх тушишига таъсир кўрсатувчи шахс. *Bear market* – айиқ бозори, валюта курс нархлари тушиб кетадиган бозор; *covered bear* – ҳимояланган айиқ-спекулянт (чайқовчи), акция сотувчи шахс (нақд). *Pressure on bears* – айиқларга босим ўтказиш, чайқовчиларга таъсир ўтказиш мақсадида ташкил қилинадиган махсус тадбир бўлиб, “айиқлар”ни валютани сотувдаги нархидан бирмунча юқори нархда сотиб олишга мажбур қилиш (СБТ 1999, 75). *Stale bear* – вазиятдан чиқа олмаган айиқ (иложсиз), ютқазган чайқовчи (брокер). Юқорида келтирилган терминларнинг структуравий жиҳатдан когнитивликка асосланганлиги ва экспрессивлик, образлилик билан узвий боғланганлиги кузатилади. Бир тилда муайян тушунчани образли, ҳис-ҳаяжон билан ифода этадиган ягона стилистик хусусият ўзга тил стилистик тизимида ўзининг аниқ эквивалентига эга бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда улар лексик трансформация усули ёрдамида таржима қилинади.

А) образлилик билан бевосита боғланган терминлар: *War* – уруш. Тармоқ истеъмолида “жаҳон бозори лидерлигини кўлга олиш учун кечадиган курашда миллий божхона тарифи ва нотариф чорадан фойдаланиш”. *Loophole* – туйнук, тешик. Кенг маънода бирор-бир ишнинг иложини топмоқ, йўл топмоқ, топилган имкон. Соҳа термини сифатида эса - қонунчиликда йўл қўйилган камчилик, қонунчиликнинг бўш жойи, солиқдан бош тортиш (тўловларни тўламасликни режалаштириш) каби семаларни ўзида ифодалайди. Қуйидаги матнга эътибор қаратайлик:

Инглизча: «...as elsewhere some taxpayers try to find loopholes in legislation and evade taxes⁴⁴. Таржимаси: “...шунингдек айрим солиқ тўловчилар қонунчиликнинг бўш жойини топшига ҳаракат қилиб, солиқ тўлашдан бўйин товлашади.

Б) экспрессивликни ифодаловчи терминлар: *Tax eater* – давлат субсидияси ҳисобига яшовчи шахс. *Laundering* -1) кир ювиш, маблағни ўзлаштириш (ўғирлаш); 2) маблағни жиноий йўл билан ўзлаштириш (шибон қилиш); 3) маблағнинг

⁴⁴Любимцева С.Н. Английский язык для студентов финансово-экономических специальностей вузов. – М., 2004. – С.123.

бошланғич манбасини йўқ қилиб юбориш. Масалан: *laundering of dough in customs house* – божхонадаги маблағни ўзлаштириш.

Ўтказилган таҳлилларнинг кўрсатишича, инглиз тили СБ термин тизимида мавжуд айрим соматик компонентли ва эмоционал-экспрессив оттенкаларга эга лексемалар терминларнинг берилишида анча муаммоли вазиятни юзага келтиради. Инглиз тили солиқ ва божхона терминологиясида қўлланиладиган стилистик бирлик шаклидаги терминларни берилишида турли «трансформацион» усулларни қўллаш талаб этилади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Илмий манбаларни ижодий ўзлаштириш жараёнида СБ терминларини нафақат иқтисодиёт категорияси хусусиятлари нуктаи назаридан, балки лисоний таржимшунослик табиати жиҳатидан ҳам миллий тил билан қиёслаб ўрганиш талаб этилади.

2. СБ терминологиясини таржимашунослик аспектидан қиёсий ўрганиш жараёнида инсоният жамиятига азал-азалдан дахлдор бўлиб келган билимлар мажмуига таяниб СБ терминологиясига ёндашув икки тил терминларини берилишдаги интеграл ва дифференциал хусусиятларини белгилаш билан бирга ҳар икки соҳа терминологик тизимини чуқур, атрофлича тадқиқ этиш имкониятини беради.

3. СБ терминологияси яхлит система сифатида мавзу жиҳатидан бир нечта муҳим лексик-семантик гуруҳлардан таркиб топади: 1) СБ тизим субъектлари номларини ифодаловчи терминлар; 2) СБ мажбуриятлари ундириладиган объект номларини ифодаловчи терминлар; 3) СБ амалиёти жараёнида функционалликни ифодаловчи терминлар; 4) тизим амалиёти жараёнида содир бўладиган, ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар натижасида қўлланиладиган терминлар.

4. СБ терминларининг ҳосил бўлиши ва шаклланишининг асосий манбалари тилнинг ички ва ташқи ресурслари ҳисобига вужудга келади. СБ терминологиясида бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш юқори даражададир. Чунки мазкур қатлам иқтисодиёт соҳасининг таркибий қисми бўлгани, иқтисодиёт соҳаси эса бевосита жаҳон интеграциялашув жараёнига қўшилиб кетганлиги билан изоҳланади. Мазкур лексикада сўзларни калька ёрдамида ўзлаштиришнинг турли усуллари мавжуд бўлиб, бошқа тилдаги сўзни аслига ўзлаштириш, тўлиқ калькалаш, ярим калькалаш орқали амалга ошади. Иккала тилда ҳам ўзлашма терминлардан ташқари, интернационал характерга эга бўлган терминлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Улар нафақат грек ёки латин тилларидан келиб чиққан лексемалар, балки италян (7%), немис (9%), француз (19%), рус (славян) (21%) тиллари асосида шаклланиб бораётган ўзига хос қатламдир.

5. Инглиз ва ўзбек тиллари СБ терминологик бирликларининг ясалиш жараёни бир нечта усуллар орқали амалга ошади: 1) аффиксация йўли орқали; 2) композиция усулида; 3) конверсия воситасида; 4) акроним ва аббревиатуралар орқали.

6. Қиёсланаётган тилларда терминлар икки асосий турга бўлинади. Улар, монокомпонентли ҳамда поликомпонентли терминлардир. Ҳар икки тилда ҳам бирикмали, яъни, кўп компонентли терминлар миқдор жиҳатдан устунликка эга

(инглиз тилида – 61,7%, ўзбек тилида – 78%) бўлиб, соҳа лексикасининг ядросини ташкил этади.

7. Инглиз ва ўзбек тиллари СБ терминологик тизимида синонимик, омонимик, полисемантик, гипонимик ва антонимик муносабатлар кенг тарқалган бўлиб, синонимик, омонимик, полисемантик муносабатларнинг терминлар берилиш жараёнида муайян қийинчиликлар туғдириши терминологияда юз берадиган «детерминологизация ҳамда терминологизация (транстерминлашув)» ходисалари натижалари билан бевосита боғлиқ. Таржимада терминларнинг икки тилга хос бўлган интеграл ва дифференциал хусусиятларини эътиборга олиб, интеграл хусусиятга эга бўлган терминларни калька усулида, дифференциал хусусиятга эга бўлган терминларни эса турли трансформацион усулларда таржима қилиш мақбулдир.

8. СБ матнларини хорижий тиллардан миллий тилга, миллий тилдан хорижий тилларга адекват таржима қилиш, даставвал, ўзбек тили СБ терминологияси бошқа тиллар билан қиёсий ўрганилиши зарурлиги билан изоҳланади. Бу жараён иккита муҳим масалани ижобий ҳал қилиш имконини беради: 1) хорижий тиллардаги СБ соҳаларига доир манбаларни ўрганиш. 2) миллий тил махсус лексикасининг такомиллашиши.

9. СБ терминологиясини илмий нуқтаи назардан ўрганиш жамият аъзолари учун СБ тўлов ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ ва қисқа, барчага бир хилда тушуниладиган даражага олиб келишни таъминлашга хизмат қилади.

10. СБ терминологиясининг илмий жаҳатдан ўрганилиши кишиларнинг мазкур соҳага доир ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга муҳим туртки бўлади. Шу маънода, СБ терминларини фақат инглиз ва ўзбек тиллари мисолида эмас, балки бошқа жаҳон тиллари мавқеига эга бўлган тиллар мисолида ҳам ўрганиб, хорижий олимлар билан ҳамкорлик қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Ахмедов О. Солиқ ва божхона истилоҳларини тўғри қўллаш // Филология масалалари.- Тошкент, 2007.- № 2. – Б. 105-107.
2. Ахмедов О. Инглиз тили солиқ ва божхона атамаларининг таржима жараёнидаги лингвистик семантикаси// Халқаро илмий-амалий конференция материаллар тўплами. –Тошкент, 2007. –Б. 184–187.
3. Ахмедов О. Божхона ва солиқ тизимида хорижий тилларни аҳамияти //“Ёш олим-2007” Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2007.– Б. 36- 40.
4. Ахмедов О. Инглиз тили солиқ-молия атамаларининг лингвокультурологик аҳамияти// Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент, 2007. –Б.180 –183.
5. Ахмедов О. Солиқ ва божхона атамаларининг тарихий таракқиёти ва уларни таржима қилишдаги айрим муаммоли масалалар// Илм сарчашмалари. –Урганч, 2008.- № 2. –Б. 42– 45.

6. Ахмедов О. Ўзбекистонда мавжуд бўлган уч мустақил давлатнинг жорий этган солиқ ва бож атамалари//Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. –Тошкент, 2008. – Б. 284–286.
7. Ахмедов О. Солиқчи мутахассислар учун “Инглиз тили” фанидан ўқув услубий қўлланма// –Т.: Солиқ академияси, 2008. –Б. 80
8. Ахмедов О. Солиқ ва божхона терминларини таржима жараёнидаги прагматик таҳлили//“Тилшуносликнинг долзарб масалалари” мавзусига бағишланган илмий мақолалар тўплами//–Тошкент, 2008. – Б. 185–187 .
9. Ахмедов О. О переводе налоговых и таможенных терминов// Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2009. – Б. 277–281.
10. Ахмедов О. Инглиз тили божхона ва солиқ терминологиясининг стилистик бирликлари таржимаси хусусида//Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами//–Тошкент, 2009. –Б. 152–154.
11. Ahmedov O. Lexical- semantically interference of tax and customs terms in translating from English into Uzbek// Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент, 2009. – Б. 286–291.
12. Ахмедов О. Инглиз тили солиқ ва божхона терминологиясида антонимия ҳодисаси//“Ёш олим-2009” илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2009. –Б. 76–80.
13. Ахмедов О. Лексико-семантические проблемы при переводе с английского языка налоговых и таможенных терминов//Объединенный научный журнал. № 14 (243). – Москва, 2009. – С. 76–81.
14. Ахмедов О. Инглиз тили солиқ ва божхона терминларини таржимасида интеграл ва дифференциал хусусиятлари//Ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент, 2010. –Б. 304 –307.
15. Ахмедов О. Инглиз тили солиқ ва божхона терминлари таржимасида транспозицион ўзгариш//Республика илмий- амалий конференция материаллари тўплами . –Тошкент, 2010. – Б. 391–393.
16. Ахмедов О. Инглиз тилидаги солиқ ва божхона терминлари таржимасида стилистик трансформация// Тил ва адабиёт таълими илмий-методик журнал. – Тошкент, 2010.- № 5. – Б. 65–73.
17. Ахмедов О. Инглиз тили солиқ ва божхона терминларининг таржимадаги функционал-семантик хусусиятлари // Республика илмий-методик конференция материаллари тўплами. –Тошкент, 2010. – Б. 54–56.
18. Ахмедов О. Лексико-семантическая адекватность в переводе налоговых и таможенных терминов (на материале английского и узбекского языков)// Вестник, Челябинского государственного университета. –Челябинск 2010. №34. –С. 14-17.
19. Ахмедов О. Солиқ ва божхона терминлар таржимасига ретроспектив назар // Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент, 2011. –Б. 261–264.
20. Ахмедов О. Инглиз ва ўзбек солиқ ва божхона терминларининг қиёсий-типология таҳлили // Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент, 2011. – Б. 220–223.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Ахмедов Ойбек Сапорбоевичнинг 10.02.20 - “Қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштирма тилшунослик, лингвистик таржимашунослик ” ихтисослиги бўйича “Солиқ ва божхона терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига берилиши” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: термин, сўз бирикмаси, қиёсий терминология, солиқ ва божхона терминлари, аффиксация, морфология, таржима, интеграл, дифференциал, хусусият, калька, трансформация, эквивалент, интерференция.

Тадқиқот объектлари: инглиз ва ўзбек тиллари солиқ-божхона терминлари, соҳалар терминологик тизимининг амалиёт доирасида фаол қўлланадиган лексема ва бирикма шаклидаги терминлар тадқиқотнинг асосий объектлари ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: солиқ ва божхона терминларининг берилишдаги интеграл ва дифференциал, лексик-семантик оттенкаларини, шунингдек, истеъмолда кенг қўлланиладиган бир компонентли ва кўп компонентли терминларнинг инглиз тилидан ўзбек тилига берилишидаги ўрнини белгилаб, таржимашунослик аспектида таҳлил қилишдан иборатдир.

Тадқиқот методлари: ишда тавсифий, қиёсий-типологик, синхрон ва диахрон, компонент ҳамда семантик таҳлил, шунингдек, лингвостатистик методлардан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: мазкур тадқиқотда илк бор инглиз ва ўзбек тилларидаги солиқ ва божхона терминлари қиёсий, таржимашунослик аспектида ўрганилди. Солиқ ва божхона терминларининг ясалиши ва шаклланиш жиҳатлари, асосий моделлари типологик таҳлил қилинди. Икки тилда СБ терминларининг берилишдаги интеграл ва дифференциал хусусиятлари, усуллари, лексик-семантик гуруҳлари аниқланди. Қиёсланаётган тиллар СБ терминларининг функционал семантик жиҳатларидаги хусусий ва умумий белгилар атрофлича тадқиқ этилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижалари таржима назарияси ва амалиёти, қиёсий тилшунослик, қиёсий терминология, лексикология фанлари бўйича маърузалар ўқишда, дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда ҳамда бошқа терминологик системаларни тадқиқ қилишда фойдали манба бўлиб хизмат қилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: илмий тадқиқот натижаларидан Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси “Солиқлар ва солиққа тортиш” факультети талабаларига «Амалий инглиз тили» фанини ўқитишда фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: таржима назарияси ва амалиёти, қиёсий типология, лексикология, умумий тилшунослик.

РЕЗЮМЕ

диссертация Ахмедова Ойбека Сапорбоевича на тему: «**Перевод налоговых и таможенных терминов с английского на узбекский язык**» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.20 - сравнительно-историческое, типологическое и сопоставительное языкознание, лингвистическое переводоведение

Ключевые слова: термин, словосочетания, сравнительная терминология, налоговые и таможенные термины, аффиксация, морфология, интегральные и дифференциальные особенности, калькирование, трансформационный перевод, эквивалент, интерференция.

Объект исследования: налоговые и таможенные термины английского и узбекского языков в форме лексемы и словосочетания.

Цель работы: Сравнительно-типологическое исследование формирования лексико-семантических особенностей их интегральных и дифференциальных проблем в аспекте переводоведения однозначных и многозначных широко распространенных налоговых и таможенных терминов.

Методы исследования: сравнительно - типологический, статистический, синхронный и диахронный методы, а также компонентный и семантический анализ.

Полученные результаты и их новизна: в представленной диссертации впервые проведено исследование налоговых и таможенных терминов английского и узбекского языков в сравнительно - типологическом аспекте. Типологически и статистически проанализированы основные словообразовательные модели налоговых и таможенных терминов и выявлены интегральные и дифференциальные особенности налоговых и таможенных терминов в исследуемых языках

Практическая значимость: результаты научного исследования могут быть использованы в учебном процессе при чтении лекции по теории и практики перевода, в исследованиях по изучению особенностей сравнительной терминологии и общего языкознания, при составлении учебников и учебных пособий по данной дисциплине, а также при исследовании других терминосистем.

Степень внедрения и экономическая эффективность: материалы исследования внедрены в практику преподавания “Практического английского языка” на факультете «Налоги и налогообложение» Налоговой академии при ГНК РУз.

Область применения: теория и практика перевода, сравнительная типология, лексикология, общее языкознание.

RESUME

Thesis of Akhmedov Oybek Saporboyevich on the scientific degree competition of the candidate of sciences in philology on speciality 10.02.20 - comparative-historical, typological and comparative linguistics, linguistics of translation, subject: **“Translation of tax and customs terms from English into Uzbek”**

Key words: term, word-combination, comparative terminology, tax and customs terms, affixation, morphological, integral, differential, peculiarities, word by word, transformational, translation, equivalent, interference.

Subject of the inquiry: tax and customs terms of English and Uzbek languages in the form of lexemes and word-combination.

Aim of the inquiry: to define lexical and semantic (integral and differential) peculiarities of tax and customs terms in English and Uzbek languages, as well as study their semantic functions from the aspect of translation point of view.

Methods of inquiry: comparative-typological, component and semantic analyses, synchronic, diachronic as well as statistical analyses.

The results achieved and their novelty: the investigation of the comparative, translation aspect tax and customs terms of English and Uzbek languages has been analysed for the first time. Comparative typological and statistical properties of the basic word formational models of tax and customs terms have been investigated integral and differential peculiarities, methods, lexical-semantic groups identified from translation point of view.

Practical value: The results of the dissertation can be applied to the educational process in delivering special lectures in theoretical and practical courses of translation, comparative terminology, linguistics and compiling dictionaries, writing text-books, manuals and in the investigation of other terminological systems.

Degree of embed: The materials of the research work have been implemented in teaching courses as well as in English lessons in the faculties of “Taxes and taxation” of Tax Academy under the State Tax Committee of the Republic of Uzbekistan.

Sphere of usage: Theory and practice of translation, Comparative typology, Lexicology, General linguistics.

Тадқиқотчи: _____

